

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ДАВЛАТ ТАЪЛИМ
СТАНДАРТЛАРИ ВА ДАВЛАТ
ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА
ЖОРӢЙ ЭТИШ**

УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025

Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабарини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш. Услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 24 бет.

Мазкур қўлланма давлат таълим стандартлари ва талабарини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини содда ва равон тилда тушунтиришга қаратилган.

Қўлланмада таълим жараёнида давлат таълим стандартлари ва талабарининг ўрни, уларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш, шунингдек уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш ва такомиллаштириб боришга оид асосий кўрсатмалар қамраб олинган.

Ушбу қўлланма таълим соҳасидаги давлат хизматчилари, таълим ташкилотлари ходимлари, педагоглар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. **Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

МУНДАРИЖА

Давлат таълим стандартлари ва талабларига қонунчилек ҳужжатлари.....	3
Умумий қоидалар	9
Таълимнинг стандартлаштириладиган турлари.....	7
Таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш	10
Таълим стандартлари самарадорлигини мониторинг қилиш ва янги таҳрирда ишлаб чиқиш	13
Иловалар.....	16

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИГА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 апрелдаги "Илмий-методик ва тадқиқот ишлари сифатини ошириш орқали таълим тизимини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-128-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 декабрдаги "Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 157-сон қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Таълим стандартлари таълим ташкилотларида таълим жараёнини ташкил этиш ва баҳолаш учун асос ҳисобланади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунга кўра, **давлат таълим стандартлари** давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуидир.

Шунингдек, **давлат таълим талаблари**:



таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига қўйиладиган мажбурий талаблар;



таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар.

Таълим стандартларининг мақсади:

таълим ва ўқитиш сифатига, таълим мазмунига, таълим олувчилар ҳамда уларнинг тайёргарлик даражасига, таълим даражасидаги компетенциялар ва натижаларга, бериладиган малакаларга, талаб қилинадиган ўқув юкламаси ва фаолияти ҳажмига ва баҳолаш механизмларига қўйиладиган талабларни белгилаш

Таълим стандартларининг асосий вазифалари:

- таълимнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;
- таълимнинг турлари, мазмуни, таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги, таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;
- ўқитиш натижаларини баҳолаш тартиби, таълим ва тарбия сифатини назорат қилишни такомиллаштириш;

- таълим турлари, босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- миллий стандартлар талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Таълим стандартларининг асосий тамойиллари:

- давлат, жамият, меҳнат бозори ва шахс эҳтиёжларига мослиги;
- таълим ва тарбиянинг яхлитлиги, барча учун teng ва кафолатланганлиги;
- таълим турлари ва босқичлари ўртасида узлуксизлик ва таълим мазмуни узвийлигининг таъминланганлиги;
- гендер тенглик ва инклюзив таълим олиш ҳуқуқларининг таъминланганлиги;
- таълим оловчиларга йўналтирилганлиги ва таълим оловчилар шахси, уларнинг интилишлари, қобилиятлари ҳамда қизиқишиларининг инобатга олинганлиги;
- Ўзбекистон таълим сиёсатини ҳисобга олган ҳолда хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги тажрибаларидан фойдаланилганлиги.

Таълим стандартларини ишлаб чиқишига қўйиладиган асосий талаблар:

- маданий ва тарихий мерос анъаналари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, давлат талаблари ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш;
- таълим оловчиларда мустақил фикрлаш, ватанга фидойилик ва миллий ғурур ҳиссини сингдириш ҳамда ўз мажбуриятларини масъулият билан бажариш бўйича зарур билим ва қўникмаларни ривожлантириш;
- таълим оловчилар онгига Ватан туйғусини сингдириш;

- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;
- таълим олувчиларнинг ўқитиш натижаларига аниқ талабларни белгилаш ҳамда унинг меъёrlари ва талаблари бузилишининг олдини олиш;
- таълим олувчиларда атроф муҳитни асраб-авайлаш ва муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;
- таълим турлари ва босқичларини халқаро миқёсда тан олинган мезонлар бўйича таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- таълим олувчиларнинг қобилият ва эҳтиёжлари асосида индивидуал ривожланиш ҳамда дифференциал ёндашув асосида таълим олиш имкониятларини яратиш;
- вариатив ва инвариатив компонентларни жорий этиш орқали таълим жараёнини тизимлаштириш;
- меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрларни тайёрлашда халқаро тажрибани инобатга олиш.



ТАЪЛИМНИНГ СТАНДАРТЛАШТИРИЛАДИГАН ТУРЛАРИ

Таълим турлари бўйича ишлаб чиқиладиган таълим стандартлари:



мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти;



умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус таълим, професионал таълим, олий таълимнинг давлат таълим стандартлари;



олий таълимдан кейинги таълимнинг, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг, шунингдек мактабдан ташқари таълимнинг давлат таълим талаблари.

Ўзбекистон Республикасининг таълим босқичлари ЮНЕСКОнинг “**Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи** (International Standard Classification of Education (ISCED-2011))” даражалари билан мувофиқ бўлиши зарур.

Бу муҳим!

Бундан кўзланган мақсад – таълим турлари бўйича давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини таълим соҳасидаги халқаро стандартлар талабларига мослаштириш.

Таълим босқичлари ва Халқаро таснифлагиҷ даражалари ўртасидаги мувофиқлик жадвали билан Қўлланманинг **З-иловасида танишишингиз мумкин.*

“Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагиҷи” нима?

Ушбу Халқаро таснифлагиҷ таълим бўйича маълумотларни тартибга солиш учун статистик тизим бўлиб, ЮНЕСКО томонидан юритилади ҳамда БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий таснифлар халқаро оиласига киради.

Халқаро таснифлагиҷ 1970 йилларнинг бошида ишлаб чиқилган бўлиб, алоҳида давлатлар бўйича ва халқаро миқёсда таълимга оид маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун қулай восита ҳисобланади.

Халқаро таснифлагиҷ ва миллий таълим турлари

1	Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти	Халқаро таснифлагиҷнинг 0-даражаси (кичик ёшдаги болалар таълими) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.
2	Бошланғич таълимнинг давлат таълим стандарти	Халқаро таснифлагиҷнинг 1-даражаси (бошланғич таълим) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади (I–IV синфлар).
3	Таянч ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти	Халқаро таснифлагиҷнинг 2-даражаси (ўрта таълимнинг 1-босқичи) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади (V–IX синфлар).
4	Ўрта таълим, ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартлари	Халқаро таснифлагиҷнинг 3-даражаси (ўрта таълимнинг 2-босқичи) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.
5	Бошланғич профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти	Халқаро таснифлагиҷнинг 3-даражаси талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади (IX синфлари битирувчилари)
6	Ўрта профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти	Халқаро таснифлагиҷнинг 4-даражаси (умумий ўрта таълимдан кейинги таълим) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

7	Ўрта маҳсус профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти	Халқаро таснифлагичнинг 5-даражаси (олий таълимнинг қисқа цикли) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.
8	Олий таълимнинг давлат таълим стандарти	Халқаро таснифлагичнинг 6-даражаси (бакалавриат ёки унга тенглаштирилган) ва 7-даражаси (магистратура ёки унга тенглаштирилган) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.
9	Олий таълимдан кейинги таълимнинг давлат таълим талаби	Халқаро таснифлагичнинг 8-даражаси (докторлик тадқиқотлари ёки унга тенглаштирилган) талабларига мувофиқ тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларда юқори малакага эришиш учун мўлжалланган билим, кўникма, компетенцияларга эга бўлишларини таъминлайди.
10	Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат таълим талаби	орқали ходимларда қўшимча касбий билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади ҳамда улар касб ёки мутахассислиги бўйича касбий ривожлантирилади.
11	Мактабдан ташқари таълимнинг давлат таълим талаби	Умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқувчиларининг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга ва касб-ҳунар тўғрисидаги бошланғич кўникмаларини шакллантиришга қаратилади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-345-сон қарори.

ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА
ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



Таълим стандартлари тегишлилиги бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-МЕТОДИК
МАРКАЗИ



Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим турлари бўйича таълим стандартларининг (давлат талаблари) лойиҳалари Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази томонидан тасдиқланадиган талаблар асосида ишлаб чиқилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим стандартлари ва талабарини ишлаб чиқишида **ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари** ҳисобланади.



Таълим стандартларида:

- ✓ матн **лўнда, содда** ва **равон** тилда баён этилиши;
- ✓ ҳужжатнинг ҳар бир банди **тўлиқ** ва **якунланган мазмунга** эга бўлиши;
- ✓ фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар **турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган** шаклда қўлланилиши;
- ✓ тушунчалар ва атамаларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ **ягона шаклда** қўлланилиши;
- ✓ қўлланиладиган атамалар ва қисқартмалар таърифлари **стандартнинг ўзида** келтирилиши лозим.

Таълим стандартининг матни мантиқий кетма-кетлик нуқтаи назаридан қуидагича тузилиши мумкин:



✓ Бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар ва кичик бандлар кетма-кетликада **араб рақамлари билан** рақамланади.

Таълим стандартига қўйиладиган техник талаблар:

- ✓ матн А4 форматидаги қоғоз варағида жойлаштирилади;
- ✓ тартиб рақами саҳифанинг пастки ўрта қисмида жойлаштирилади ва араб рақамлари билан белгиланади;
- ✓ қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Microsoft Word редакторининг қуийдаги параметрлари қўлланилади:

- "Times New Roman" 12 ўлчамли шрифт;
- саҳифанинг чап, ўнг ва юқори ҳошияси 2 см, пастки ҳошияси 2,5 см; хатбошининг сатр боши 1,5 см;
- матн сатрлари оралиғи 1 интервал;
- бўлим ва кичик бўлимлар сарлавҳалари ҳамда жадваллар матндан матбаа дизайнининг мақбуллигидан келиб чиқиб, 1 интервалдан юқори миқдорда ажратилиши мумкин.

Стандартни бошқа тилларга таржима қилиш:



**Мактабгача ва
мактаб таълими
вазирлиги**



**Олий таълим, фан
ва инновациялар
вазирлиги**

Таълим стандарти матн тилидан қатъи назар, ҳужжат номининг давлат тилидаги қуийдаги қисқартиришлари билин белгиланади:

**Ўзбекистон Давлат
таълим стандарти
(Ўзбекистон Давлат
Таълим Стандарти)**

ЎзДТСт, интервал,
тартиб рақами, икки
нуқта ажратиш
белгиси, тасдиқлаш
йили

Масалан: ЎзДТСт
xxxx: 2024

ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ЯНГИ ТАҲРИРДА ИШЛАБ ЧИҚИШ

Таълим стандартларини апробациядан ўтказиш

Апробация иштирокчилари:

- ✓ Мактабгача ва мактаб таълими ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари;
- ✓ Педагоглар;
- ✓ Ота-оналар;
- ✓ Бошқа манфаатдор томонлар.

Апробация натижасига кўра стандартлар самарадорлиги тўғрисида маълумотларни тўплаш ва амалга оширишнинг салбий оқибатлари хавфини минималлаштириш учун **мониторинг** ва **баҳолаш механизмлари** жорий этилади.

Заруратга кўра янги таҳрирда ишлаб чиқилган **таълим стандартлари лойиҳаси** ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳа тегишинча Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун** таълим стандартларининг ягона очиқ муҳокама порталига жойлаштирилади.

Жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш муддати – **15 кун**.



Лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилишини таъминлаш тегишинча **мактабгача ва мактаб таълими вазири** ёки **олий таълим, фан ва инновациялар вазири** зиммасига юкланди.

Жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасидан сўнг:



муҳокама жараёнида келиб тушган барча таклиф ва эътиrozларни кўриб чиқиш;




Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан тегишли хулоса бериши.

Марказ хулосани **10 кун муддатда** беради.

Лойиҳа келиб тушган **таклиф ва эътиrozлар асосида** қайта кўриб чиқилади.

Таклиф ва эътиrozлар **мақбул деб топилса**, лойиҳа матнiga киритилади.

Таълим турлари ва босқичлари бўйича тегишлича **малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари** ёки **таълим дастурлари таълим стандартлари асосида** ишлаб чиқилади.



**Мактабгача ва мактаб таълими ва Олий таълим,
фан ва инновациялар вазирликлари тегишинча
қуийдагиларни белгилайди:**



таълим ташкилотларидағи малака талаблари, ўқув режа ва дастурларининг мазмуни



уларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби

Маълумот учун!

Таълим стандартлари тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда таълим стандартлари асосида таълим фаолиятини олиб борадиган таълим ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.



ИЛОВАЛАР

1-илова

Фойдаланилган тушунчалар изоҳи

Давлат таълим муассасаси	давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса
Давлат таълим стандартлари	давлат томонидан таълимнинг мазмuni ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи
Давлат таълим талаблари	таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар
Малака	шахснинг касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришга тайёргарлигини ифодалайдиган, маълумот тўғрисидаги тегишли ҳужжат билан тасдиқланадиган билим, қобилият, маҳорат ва кўникумалар даражаси
Мутахассислик	малака бериш билан якунланадиган муайян касбий тайёргарлик турининг номи
Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари	таълим олувчилар, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари, педагог ходимлар ва уларнинг вакиллари

Таълим	таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникулар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникуларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён
Тарбия	аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онгини, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараён
Таълим дастури	давлат таълим стандартларига, касб стандартларига ва миллий (тармоқ) малака доирасига мувофиқ ишлаб чиқилган таълим стандартларидан, ўқув режаларидан, ўқув дастурларидан ва тегишли услубий кўрсатмалардан иборат норматив-услубий ҳужжатлар мажмуи
Таълим ташкилотлари аттестацияси	таълим ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли

Таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилик	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	<p>1. Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари лойиҳасини (таълим стандартлари) белгиланган тартибда ишлаб чиқади.</p> <p>2. Таълим стандартларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун «dts.uz» муҳокама порталига жойлаштиради.</p>	Заруратга кўра 15 кун муддатда
2-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Таълим ташкилотлари, нодавлат сектор вакиллари, мутахассислар ва эксперталар иштирокида таълим стандартлари муҳокамасини ташкил этади.	Заруратга кўра

3-босқич	Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази	Таълим стандартларини белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан хулоса беради.	10 кун муддатда
----------	---	--	-----------------

4-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Таълим стандартларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.	Белгиланган муддатда
----------	--	---	----------------------

5-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Таълим стандартларини вазирлик ва идораларнинг тизимидағи ташкилотларга платформа орқали юборади.	Тасдиқлангандан сүнг 3 кун муддатда
----------	--	---	-------------------------------------

**Ўзбекистон Республикасининг таълим босқичлари ва ЮНЕСКОнинг
“Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагиши (International
Standard Classification of Education (ISCED-2011)” даражалари
ўртасидаги мувофиқлик жадвали**

ISCED-2011 даражалари	ISCED-2011 таълим дастурлари	Ўзбекистон Республикасининг таълим босқичлари
0	Кичик ёшдаги болалар таълими	Мактабгача таълим ва тарбия
1	Бошланғич таълим	Бошланғич таълим (I — IV синфлар)
2	Ўрта таълимнинг биринчи босқичи	Таянч ўрта таълим (V — IX синфлар)
3	Ўрта таълимнинг иккинчи босқичи	Ўрта таълим (X — XI синфлар) Ўрта маҳсус таълим Бошланғич профессионал таълим
4	Умумий ўрта таълимдан кейинги таълим	Ўрта профессионал таълим
5	Олий таълимнинг қисқа цикли	Ўрта маҳсус профессионал таълим
6	Бакалавриат ёки унга tengлаштирилган	Бакалавриат
7	Магистратура ёки унга tengлаштирилган	Магистратура
8	Докторлик тадқиқотлари ёки унга tengлаштирилган	Олий таълимдан кейинги таълим: таянч докторантура (Doctor of Philosophy) (PhD); докторантура (Doctor of Science) (DSc).
9	Таснифланмайди	Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мактабдан ташқари таълим

Таълим стандартлари намунаси

Таълим стандартларининг намунавий тузилиши

1. Умумий қоидалар

Бўлимда тегишли даражадаги таълимнинг умумий мақсади, вазифалари, назарий асослари, шу жумладан, таълим оловчилар томонидан эгалланиши керак бўлган таълим натижалари, шунингдек, ўқув режаси ва таълим оловчиларни баҳолаш бўйича кўрсатмаларнинг қисқача мазмуни батафсил баён қилинади.

2. Асосий мақсадлар ва ривожланишнинг устувор йўналишлари

Ушбу бўлимда ўқув дастурининг мазмуни бўйича таълим оловчиларнинг тегишли даражада таълим олишда эга бўлиши кутилаётган билим, кўникма ва малакалар бўйича эришилиши керак бўлган асосий стратегик мақсадларнинг қисқача мазмуни баён қилинади.

Зарур бўлганда, меҳнат бозорининг долзарблиги ёки унинг миллий стратегик устуворликларига алоқадорлиги тўғрисида эслатмалар берилади ҳамда асбоб-ускуналар ва материаллар рўйхатини ўз ичига қамраб олган маълумотлар акс эттирилади.

Бўлимда тегишли таълим даражасида кутилаётган таълимни яхшилашга кўмаклашиш учун мўлжалланган педагогик ёндашув бўйича кўрсатмаларни, жумладан, ўқув хонасига қўйиладиган ташкилий талаблар, инновацион ўқув-услубий материалларни яратиш, ўқув-услубий ёрдамни кучайтириш.

3. Таълим натижалари

Ушбу бўлимда барча даражаларда қўлланиладиган спирал ёндашув бўйича батафсил тақсимланган таълимнинг тегишли даражасида таълим олувчилар томонидан намоён этилиши керак бўлган асосий компетенцияларнинг тафсилотлари баён қилинади. Шу билан бирга, тегишли таълим натижаларига мисоллар келтирилади.

4. Ўқитиш методикаси

Ушбу бўлимда ўқитиш усуллари ва таълим технологиялари, шу жумладан, инновацион ёндашуввлар ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

5. Ўқув дастури, ўқув мавзуларининг юкламаси, ҳажми ва тақсимоти

Ушбу бўлим ўқув соатлари ҳажмининг тафсилотларини ўз ичига олади.

Ўқув соатлари таълим тизимининг ҳар бир босқичида фанни ўқитиш учун ўқув режасига киритилади.

Шунингдек, мазкур бўлимда тегишли таълим даражаларининг фанлараро интеграцияси, ўқитиш ва ўрганиш бўйича батафсил эслатмалар бўлади.

6. Ўқитиш натижаларини баҳолаш

Ушбу бўлим ўқув жараёнининг муҳим ва зарур таркибий қисми бўлиб, у таълимнинг босқичларида таълим олувчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва хulosа қилиш имконини беради. Баҳолаш ва унинг мазмун-моҳияти, баҳолашдаги ёндашуввлар, баҳолаш мақсадлари, тамойиллари, турлари, мазмуни (домен, субдомен, конструкт, баҳолаш индикаторлари), формати, мезонлари, методикаси, воситалари ва баҳолашга қўйилган талаблар таълим жараёнининг барча субъектлари — таълим ташкилоти маъмурияти, ўқитувчилар, ота-оналар ва таълим олувчилар учун тушунарли тарзда баён этилади. Бу таълимни баҳолаш тизимига мос келиши керак.

7. Мониторинг ва баҳолаш

Ушбу бўлимда ҳар бир фан бўйича, ҳар бир таълим даражасида таълим олувчиларнинг ўзлаштириши ва ютуқларини мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳақида батафсил маълумот берилади.

Мониторинг таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг узлуксиз жараёни сифатида белгиланиб, бу жараён таълим ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва истиқболларини белгилашда муҳим ҳисобланади.

Мониторингда таълим жараёнининг бориши, услубий ва ташкилий жиҳатдан таъминланганлиги кузатилади, таҳлил қилинади, баҳо берилади ва таълимдаги сифат кўрсаткичлари аниқланиб, хулоса қилинади ҳамда истиқболдаги ўзгаришлар белгиланади.

ҚАЙДЛАР УЧУН